

9-10-2020

BIOLOGICAL DIVERSITY OF SLAINS SPREAD IN AGRO-LANDSCAPES OF JIZZAKH REGION (IN THE SAMPLE OF gALLAARAL AND FARISH DISTRICTS)

Surayyo Shavkat qizi Abdurasulova
Post-doctorate of Gulistan State University

Ruzigul Shakarovna Bozorova
Post-doctorate of Gulistan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Abdurasulova, Surayyo Shavkat qizi and Bozorova, Ruzigul Shakarovna (2020) "BIOLOGICAL DIVERSITY OF SLAINS SPREAD IN AGRO-LANDSCAPES OF JIZZAKH REGION (IN THE SAMPLE OF gALLAARAL AND FARISH DISTRICTS)," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 11.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**BIOLOGICAL DIVERSITY OF SLAINS SPREAD IN AGRO-LANDSCAPES OF
JIZZAKH REGION (IN THE SAMPLE OF gALLAARAL AND FARISH DISTRICTS)**

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

03.00.00

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АГРО-ЛАНДШАФТЛАРИДА ТАРҚАЛГАН
ШИЛЛИҚҚУРТЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИГИ
(ГАЛЛАОРОЛ ВА ФОРИШ ТУМАНЛАРИ МИСОЛИДА)**

Абдурасулова Сурайё Шавкат қизи
БАЗАРОВА РУЗИГУЛ ШАКАРОВНА ГУЛДУ КАТТА УКИТУЧИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТИ
ТЕЛ: 994710454 e-mail: i.kamronbek@mail.ru

Аннотация : Жиззах вилоятининг айрим ҳудудларининг агро-ландшафтларида шиллиққуртларни *Parmacellidae* оиласининг *Candaharia* авлодига мансуб бўлган 3 тури: *Candaharia levanderi*, *C. Aethiops* ва *C. Rutellum* учраши аниқланиб, *C. aethiops* тадқиқот ҳудуди фаунаси учун янги тур сифатида қайд этилди. Популяциядаги зичлигига нисбатан *C.levanderi* ва тарқалиш ареалига кўра *C. rutellum* доминант тур сифатида эътироф этилди.

Калит сўзлар: рудимент, мезофил, гигрофил, популяция, мантия, оралик, кўпайиш, биотоп.

**БИОЛОГИЧЕСКОЕ РАЗНООБРАЗИЕ СЛИЗНЕЙ РАСПРОСТРАНЕНО В
АГРОЛАНШАФТАХ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ (НА ПРИМЕРЕ
ГАЛЛААРАЛЬСКОГО И ФАРИДСКОГО РАЙОНОВ)**

Абдурасулова Сурайё Шавкатовна
Базарова Рузигул Шакаровна Гулду уқитучиси
Доктарант, Гулистанского государственного университета
ТЕЛ: 994710454 e-mail: i.kamronbek@mail.ru

Аннотация: В агро-ландшафтах некоторых районах Джизакской области были обнаружены 3 типа слизней семьи *Parmacellidae* породы *Candaharia*: *Candaharia levanderi*, *C. Aethiops* и *C. Rutellum*, *C. Aethiops* является новым типом для фауны исследуемого региона. По густоте популяции *C.levanderi* и по распространению по ареалу *C. Rutellum* являются доминантными типами.

Ключевые слова: рудимент, мезофиль, гигрофиль, популяция, промежуточные, копуляция, мантия, биотоп.

**BIOLOGICAL DIVERSITY OF SLAINS SPREAD IN AGRO-LANDSCAPES
OF JIZZAKH REGION
(IN THE SAMPLE OF GALLAARAL AND FARISH DISTRICTS)**

Abdurasulova Surayyo Shavkat qizi
Bozorova Ruzigul Shakarovna
Post-doctorate of Gulistan State University
ТЕЛ: 994710454 e-mail: i.kamronbek@mail.ru

Resume: *In agro-landscapes of some districts of Jizzakh region 3 types of snails of the family Parmacellidae of the Candaharia breed were found: Candaharia levanderi, C. Aethiops and C. Rutellum, C. Aethiops is a new type for the fauna of the studied region. C. levanderi population density and C. Rutellum distribution are dominant types.*

Key words: *rudiment, mesophile, hygrophil, population, intermediate, copulation, mante, biotope.*

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, ҳавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ эркинликларини, миллатлараро тотувлик диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини руёбга чиқариш учун зарур шарт –шароит яратилди. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув бўлди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланган бўлиб, унинг замирида “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, миллий иқтисоднинг рақобатбардошлилигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, аҳолининг бандлигини ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояга ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин–қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, таълим, маданият, илм-фан, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришдан иборат.

Бугунги кунда дунёда қишлоқ хўжалигининг сифатли маҳсулотларига бўлган талабни ва ишлаб чиқаришни йил сайин ортиши, қишлоқ хўжалик экинлари ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳамда уларга зарар келтирувчи организм турларини аниқлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Шиллиққуртлар қишлоқ хўжалик ва техник ўсимликларга катта зарар етказди. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, ҳар йили дунёнинг қатор мамлакатларда шиллиққуртларга оид махсус ахборотнома ва қўлланмалар чоп этиладигани, қайсики унда шиллиққуртлар томонидан келтирилган зарар, уларнинг кўпайиш омиллари, уларга қарши курашиш чоралари ва тавсиялар берилган. Бироқ ҳозиргача дунё бўйича шиллиққуртлар томонидан келтирилган зарарни аниқ ҳисоб-китоби бўлмасда, бошқа ҳайвонларга нисбатан ниҳоятда кенг тарқалганлиги ва популяциядаги зичлигини ўта юқорилигини эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг ўсимлик қопламига келтирилган зарари ниҳоятда катта.

Қорин оёқли моллюскаларнинг маълум бир оила вакилларида чиганоқ редукцияга учраб, рудимент шаклда - кичкина пластинка тарзида сақланиб қолган ва мантия ўраб олганлиги учун чиганоқ кўринмайди. Танасида чиганогининг кўринмаслиги ва ҳаракатланган ҳолатда танасидан кўп шиллиқ ажратганлиги сабабли қорин оёқлилар синфининг бу вакиллари шиллиққуртлар деб ном олган[1].

Ҳозирда дунё фаунасида шиллиққуртларнинг 150 дан ортиқ турлари учраб, шулардан, Марказий Осиёда 24, Ўзбекистонда эса 18 тури тарқалган[2] бўлиб, бу турларнинг биологик хилма-хиллиги нафақат Ўзбекистонда балки Марказий Осиё худудида тўлиқ ўрганилмаган.

Шунинг учун шиллиққуртларнинг ўрганиш назарий ва амалий жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Сабаби: биринчидан, улар гетероген гуруҳдан иборат бўлиб, келиб чиқиш жиҳатидан ҳар хил ҳайвонлар комплексини ташкил этиб, систематик жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлган гуруҳлар эволюциясини ўрганишда муҳим рол ўйнайди. Иккинчидан, шиллиққуртларнинг асосий қисми ўсимликхўр полифаг ҳайвонлар бўлиб, улар инсон ҳаёти учун муҳим бўлган турли хил ғалла, сабзовот ва полиз экинлари билан озиқланиб катта зарар етказса, яна бошқа турлари эса чорва молларига оғир бўлган экзопаразит касалликларни тарқатишда оралиқ хўжайин вазифасини ўтайди. Шунинг учун, уларнинг бирор-бир ҳудуд кесимида биологик хилма-хиллигини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот ҳудуди Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Фориш туманлари ҳисобланиб, Ғаллаорол тумани шимолидан Фориш, шарқдан Жиззах, жанубидан Бахмал туманлари, жанубий ғарб ва ғарбдан Самарқанд вилояти билан чегарадош. Фориш тумани эса Жиззах вилоятининг шимолий-ғарбий томонини эгаллаб. Шимолдан ва шимоли-шарқдан Қозоғистон билан шарқдан Жиззах, Арнасой, Дустлик ва Мирзачул тумани, жануб томондан Ғаллаорол тумани билан чегарадош.

Тадқиқот методи ва материаллари. Мақолада малакологик ва зоологик услублардан фойдаланилган. Материал териш А.А.Шилейко [1] методикаси бўйича амалга оширилган. Ғаллаорол туманинг Қорақуйли, Қашқабулоқ, Чувуллоқ, Суғунбой, Ғаллакор, Далмикор ва Қорапчи қишлоқлари; Фориш туманининг Бекат, Эгизбулоқ, Анамуна, Оқтепа, Янги қишлоқ, Осмонсой, Банд ва Эски Фориш қишлоқларидаги агро-ландшафтларидан терилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили: Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, шиллиққуртларнинг қуйидаги турлари Жиззах вилоятининг айрим ҳудудларида тарқалган.

Candaharia levanderi (1-расм). Тана ранги яшаш мухитига қараб ўзгарувчан оч сарғишсимон, мантияси орқа ва ён томонларига нисбатан бир оз қорарок, баъзи популяцияларда учрайдиган вакиллари устки қисми доғсимон ёки қорамтир чизиқлардан ташкил топган. Оёқ қисми рангсиз, фақат юқори қисми бир оз сарғишсимон.

Танасини узунлиги ҳаракат пайтида 80-100 мм ни ташкил этади. Қисқарган пайтида 45-60 мм га тенг. А.Пазилов [3] маълумотларига қараганда Боботоғ тизмасида тарқалган вакиллари танасининг узунлиги ҳаракат пайтида 110-120 мм, қисқарган пайтида эса 70-80 мм тенг.

Экологияси. Мезофил тур бўлиб, асосан текислик ва тоғ олди минтақаларида учрайди. Маданий ўсимликлар орасида, ариқ бўйларидаги турли хил ўтлар остида хаёт кечиради.



1-расм. *Candaharia levanderi*. Қорақуйли қишлоғи (Ғаллаорол тумани) ўтлар ораси.

Тарқалиши ва популяциядаги зичлиги. Зарафшон, Туркистон Нурота, Кўхитангтов, Бойсунтов, Ҳисор ва Боботоғ тоғ тизмаларида кенг тарқалган. И.М. Лихарев ва А.Й.Виктор[1] маълумотларига қараганда Шимолий Афғонистонда ҳам учрайди.

Бу турнинг популяциядаги зичлиги ҳаво ҳарорати ва намлик даражасига боғлиқ бўлиб, Ш.Абдулазизова [4] маълумотига кўра намгарчилик юқори бўлган йиллари популяциядаги зичлик даражаси 1м² майдонда 70-80 тагача учрайди.

Тадқиқот ҳудудида: Ғаллаорол туманинг Қорақуйли, Қашқабулоқ, қишлоқларидаги ариқ бўйларидаги ўтлар орасида популяциядаги зичлиги 1м² майдонда 15-20 тагача учраса, Лалмикор ва Қорапчи қишлоқларидаги олмазор боғларида бу кўрсаткич 7-8 тага тенг. Фориш туманининг Анамуна қишлоғи боғларида 5-6 та учраса, Осмонсой ва Банд қишлоқларида аҳоли яшаш жойи яқинидаги ўсимликлар қоплами орасида 1 м² майдонда ўртача 10-12 тани ташкил қилади.

К.К.Увалиева [5] маълумотларига қараганда ўниб чиқаётган полиз экинлари ва турли хилдаги ўсимлик барглари билан озукланиб қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар етказади.

Candahari aethiops (2-расм). Танаси ранги ўзгарувчан, қора ёки сарғиш бўлиши мумкин. Оёқ қисми доимо оқиш рангда. Бўйинда доимо иккита яхши ривожланган

қалин чизиқлар мавжуд. Мантия қисмида қалин пигмент билан қопланган, чап қисмида бу пигментлар шунча яхши ривожланганки, баъзида ҳаттоки чизиқ ҳосил қилиши мумкин. Худди шундай қалин пигментлар ўнг томонида ҳам ривожланади.

Танасининг узинлиги ҳаракат пайтида 65 мм га тенг. Қисқарган пайтида эса 45 мм.



2-расм. *Candahari aethiops*. Банд қишлоғи (Фориш тумани) тош уюмлари ораси.

Экологияси. Гигрофил тур бўлиб, баъзида адир минтақасида ҳам учраши мумкин. Сув бўйига яқин бўлган тошли биотопларда яшайди.

Тарқалиши ва популяциядаги зичлиги. Коржонтов, Угом, Фарғона ва Ҳисор тизмаларида Ўзбекистондан ташқари Дарвоз тоғ тизмасида тарқалган[2]. Тадқиқот ҳудудидан илк маротиба қайд этилди: Фориш туманининг Бекат ва Банд қишлоқлар ҳудудларидаги агро-ландшафтларида ва ўзлаштирилмаган майдонлардаги тош уюмлари орасида тарқалган бўлиб, популяциядаги зичлиги турлича. Масалан, Бекат қишлоғи атрофидаги олмазор боғларга яқин жойлардаги ўтлар орасида популяциядаги зичлиги 1м² майдонда 5-6 та ни ташкил этса, бу кўрсаткич Банд қишлоғига яқин бўлган ўзлаштирилмаган майдонлардаги тошлар орасида 9-10 тага тенг.

Candaharia rutellum(3-расм)..Танаси сарғиш ёки сариқ тусга эга. Мантияда бўйига чизилган иккита чизиқ ривожланганки, улар тананинг икки четида жойлашган.

Танасининг узинлиги ҳаракат пайтида 45-50 мм га тенг. Қисқарган пайтида эса 30-35 мм.



2-расм. *Candaharia rutellum*. Эски Фориш (Фориш тумани) тош уюмлари ораси.

Экологияси. Адир ва тоғ минтақасида денгиз сатҳидан 1200-2000 м. баландликда учрайди. Сув ҳавзаларига яқин бўлган турли хил ўтлар орасида яшайди.

Тарқалиши. Зарафшон, Ҳисор, Бойсунтов, Нурота тоғ тизмалари ва Афғонистоннинг тоғли ҳудудларида тарқалган.

Candaharia rutellum тури юқоридаги турларга нисбатан тадқиқот ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, Ғаллаорол туманинг Қорақуйли, Қашқабулоқ, Чувуллоқ, Суғунбой, ва Қорапчи қишлоқларида, Фориш туманининг Бекат, Эгизбулоқ, Анамуна, Оқтепа, Янги қишлоқ, Осмонсой, ва Эски Фориш ҳудудларидаги агро-ландшафтлар ва ўзлаштирилмаган майдонларда учраб, унинг популяциядаги зичлиги Ғаллаорол туманинг Қорақуйли қишлоғи атрофидаги ўзлаштирилмаган майдонлардаги тош уюмлари орасида 1м² майдонда 5-6 та, Қашқабулоқ ва Чувуллоқ қишлоқларида ариқ бўйларига яқин жойларда 8-10 та учраса, Суғунбой, ва Қорапчи қишлоқларида худди шундай биотопларда популяциядаги кўрсаткичи 15-17 тага тенг.

Candaharia rutellum Фориш туманида асосан ўзлаштирилмаган майдонларда кенг тарқалган бўлиб, Осмонсой қишлоғи атрофидаги экин майдонларига яқин бўлган, ўзлаштирилмаган ерлардаги ариқ бўйларида популяциядаги зичлиги 7-8 та бўлса, Эски Фориш ҳудудларидаги агро-ландшафтларга яқин бўлган тош уюмлари орасида 9-10 та учрайди.

Олииб борилган тадқиқот натижалари бўйича қуйдагича хулоса қилиш мумкин:

Жиззах вилоятининг агро-ландшафтларида шиллиққуртларни Parmacellidae оиласининг *Candaharia* авлодига мансуб бўлган 3 тури: *Candaharia levanderi*, *C. Aethiops* ва *C. Rutellum* учраши аниқланиб, *C. aethiops* тадқиқот ҳудуди фаунаси учун янги тур сифатида қайд этилди.

Популяциядаги зичлигига нисбатан *C.levanderi* ва тарқалиш ареалига кўра *C. rutellum* доминант тур сифатида эътироф этилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лихарев И.М., Виктор А.И. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. - Л.:Наука, 1980. Т.3. Вып.5. № 122. 437 с.
2. Пазиров А., Азимов Д.А. Наземные моллюски (Gastropoda, Pulmonata) Узбекистана и сопредельных территорий. - Ташкент: Фан, 2003. - 316 с.
3. Пазиров А. Биологическое разнообразие наземных моллюсков Узбекистана и сопредельных территорий: Автореф. дис...докт. биол.наук. - Т., 2005. - 40 с.
4. Абдулазизова Ш. сурхон-шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғлардаги қуруқлик моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги Автореф. дис... биол.фанлари бўйича фалсафа фан.док. - Т., 2018. - 19 с.
5. Увалиева К.К Наземные моллюски Казахстана и сопредельных территорий. - Алма-Ата: Наука Каз. ССР, 1990. - 224с.

МИНЕРАЛ ЎГИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ ТУПРОҚДАГИ АЗОТ ДИНАМИКАСИГА ТАЪСИРИ.

Сулаймонов Иномжон Жамолдинович Наманган давлат университети
доценти

Жураев Алижон Абдуганиевич ТошДАУ Андижон филиали докторанти

***Аннотация:** Сугориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш ва уларни ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш муҳимдир. Шу билан биргаликда уларни тупроққа бўладиган таъсирини ўрганиш ҳам долзарб ҳисобланади. Такрорий экин сифатида қанд лавлагини турли усулларда экиш ва минерал ўғитларнинг меъёрларини ҳар хил қилиб белгилашнинг тупроқдаги озика элементларига таъсири ҳам турличадир. Уруғларни капсулаб экиб, гектарига N150P100K150 кг дан бериш тупроқда минерал моддаларни ортмаслигига олиб келади.*

***Калит сўзлар:** қанд лавлаги, минерал ўғит, меъёр, капсула, биогумумс, озика, тупроқ, экин, ҳосилдорлик, азот, илдиз.*

ВЛИЯНИЕ РАЗЛИЧНЫХ НОРМ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ДИНАМИКУ АЗОТА.

И.Ж. Сулайманов. доцент Наманганского государственного университета.

А. А. Жураев докторант Андижанского филиала ТашГАУ

***Аннотация:** Для того чтобы повысить эффективность использования орошаемых земель, важно правильно разместить сельскохозяйственные культуры и повысить их продуктивность. В то же время является актуальным изучение влияния сельхозкультур на почву. Влияние различных способов посевов и норм удобрений сахарной свеклы повторного посева на содержание питательных элементов в почве также разнообразно. Посев семян сахарной свеклы в капсулу и внесение N150R100K150 кг на гектар не приводят увеличение количества минеральных веществ в почве.*

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Magnit suyuqliklar magnitlanishini o'lchash tajriba qurilmasi
Quvondiqov O.Q, Quvondiqov Sh. J, Qayumov X. A, Qirg'izov S. E..... 3
- 2 Об одной краевой задаче, возникающих при моделировании к динамике
почвенной влаги и грунтовых вод.
Абдуллаев А.А..... 9
- 3 Гиперболик текисликнинг ҳаракатлари группаси таъсирига нисбатан йўлларнинг
эквивалентлиги
Мўминов Қ.Қ, Жўрабоев С. С 14
- 4 Muller's method for solving nonlinear functional equations with complex variables
Salimov. Sh, Mavlonov. T 20
- 5 Conservative schemes of the non-stationary problem for the optimal selection of the
location of heat sources in the rod
Tukhtasinov M, Khayitkulov B. K 27

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 6 Сульфат-нитрат аммония и реологические свойства
её расплава
Маматалиев А. А, Примкулов Б.Ш, Ибрагимов А Б, Намазов Ш. С 39
- 7 Кротон альдегиди ва о-аминобензой кислота асосида шифф асоси синтези ва
уларнинг комплекс бирикмалари
Назаров Н.И, Бекназаров Ҳ.С 46
- 8 Твердое фосфорнокальциевое и жидкое азотносерное удобрения путем глубокой
аммонизации фосфорнокислотной гипсовой пульпы
Нуъмонов Б.О, Бадалова О. А, Намазов Ш С, Сейтназаров А. Р, Шамуратов С.Х..... 49
- 9 Комплексные соединения переходных металлов на основе продуктов конденсации
ферроценоилацетона с гидразидами карбоновых кислот
Умаров Б. Б, Сулаймонова З.А , Тиллаева Д. М 58
- 10 Влияние различных сроков хранения консервированной эритроцитарной массы
на ферментные показатели углеводного обмена.
Убайдуллаева З.И, Турсунова Х. Р, Рузиев Ю.С, Уктамов М. Ф 64

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 11 Жиззах вилояти агро-ландшафтларида тарқалган шилликқуртларнинг биологик
хилма-хиллиги(ғаллаорол ва фориш туманлари мисолида)
Абдурасулова С Ш , Базарова.Р.Ш..... 70
- 12 Минерал ўғитлар меъёрларини тупроқдаги азот динамикасига таъсири.
Сулаймонов И.Ж Жураев А. А 76